ЎКТАМОЙ

ОҚҚУШ ИЗЛАРИ

Шеърлар

Тошкент
«Адолат»
2005

84(5Ў)6-5 Бадиий адабиёт
Шеърлар

Истеъдодли шоира Ўктамой (Ўктамхон Холдорова) шеърларида инсон руҳий оламининг гўзал қирралари, соғинч ва шижоатга тўла сирли муҳаббатнинг ширин изтироблари тараннум этилади.

Ўктамой – рассом шоира, руҳият шоираси. Айниқса унинг табиат манзараларини чизган сатрларини ўқисангиз ўзингиз ҳам бунга гувоҳ бўласиз.

32002
10 0

А 1201000000-024-2005
(04)-2005

© Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳузуридаги «Адолат» нашриёти, 2005 йил

20 06
A 5818
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston M

МАНЗАРА

Тонг пардасин ёяр сарин ҳавога,
Тўкила бошлайди ҳудудсиз нурлар.
Чопиб чиқар кўзин ишқаб шабада,
Шудрингда эринчоқ майса чўмилар.

Ўзига зеб берар қоқигул пари,
Дўриллаб роз айтар тиллақўнғизлар.
Сувга тушиб кетиб ютоққан ари
Қирғоқда қўл ушлаб чопар қирққизлар.

Чумоли қўлида дон тугунчаси,
Азонлаб қайга у меҳмонга борар.
Ҳаммасини кўриб турган ғунчанинг,
Ҳайратдан оғзи ланг очилиб қолар.

* * *

Кўзим — қайнаётган минг кўзли булоқ,
Тераклар бўй чўзар қирғоқларида.
Сувлар тошиб кетар ўзига сиғмай,
Хазон оҳлар учар ирмоқларида.
Бу булоқ ожиз ва ночор бир исён,
Ирмоқлар билади ҳофизлигини.
Бу кунларга ошкор ёш тўкмай қўйдим,
Сездирмаслик учун ожизлигимни.
Ҳали таҳқирланган дунё бор экан,
Минг кўзли бу булоқ қайнайди тинмай.
Энди ёшлар оқар ичимга қараб,
Қаёққа оқишини билмай.

* * *

Бармоқ билан шеърлар ёзаман,
Заминнинг дардини кўчириб.
Кўзимдаги дилгир сувратни,
Кунлар ташлолмайди ўчириб.

Қуёш ёғду сочар бошимда,
Ғир-ғир эсар теграмда шамол.
Девлар тўсиб турар қуёшни,
Шамол тегмас бағримга не ҳол.

Етказолмай топганин отам,
Енг учига артади ёшин.
Йўқсизликнинг қошида эгар,
Эгилмаган у мағрур бошин.

Бармоқ билан шеърлар ёзаман,
Яшил юрагимга ботириб.
Ҳақ маҳримга тушган юракнинг
қолмагунча сиёҳи қуриб.

* * *

Ёғдуларга қонмаган япроқ—
Юрагимга осилмасман йўқ.
Тутиб турар умид тўла жом,
Тилагимга осилмасман йўқ.
Хаёл — ожиз қандай айби бор,
Учиб борар мендан ташқари.
Борса-келмас йўллар бошида,
Ётар умидларнинг лашкари.
Қотиб ётган бир муз нигоҳни,
Кўкси узра босиб эриттан,
Юзи қора гуноҳларини
Кўз ёшига ювиб қуриттан—
Кўзларимга осилгум дилтанг.
Қабр ковлаб, кафан бичаман,
Мен бир ўтни ўтга ташлаган
Кўзларимни сиқиб ичаман.

* * *

Кўнгил — томиб тугаган кўз ёш
Вафо — ёши-қайтган ўйинчи.
Умидлари занглаган телефон
Бугун мендан сўрар суюнчи.
Андуҳларни чекдим, тутади
Шикаст етди руҳи жонимга.
Хушхабардан қувонмади дил
Дарз кетганди қалб қумғонига.
Кўпиради бағримда дарё
Ўз ҳолимга қўйгил тош одам.
Фариштани ахтариб сабо
Ишқ даштига эккаймиз қадам.



* * *

Қуёш толиқиб кетиб
Олов таёқларини
Ҳуржунига саржинлаб
Йиғиштира бошлади.
Даладан ҳориб қайтган
Товон ёриқ кетмонлар
Чангли юзларин ювиб
Гулзорга ёнбошлади.
Куни бўйи зерикиб
Ётган номозшомгуллар
Созлашиб қунғурадор
Алвон карнайларини
Кўкка қаратиб чалиб
Шўх базмга чорлашар
Серишва юлдузчалар—
Самонинг ҳурларини.
Субути йўқ дарахтлар
Зўр бериб қарсак чалар,
Қилар иши томоша
Кундуз қолиб тунда ҳам.
Ой эса вазмин-вазмин
Тонг куйига йўрғалар
Ерда ошиқ-машшоқлар
Кўк саҳнида ҳурлар жам.
Тонг отди,
Қуёш келди олов таёқ кўтариб
Шўхлигимизни кўрса
Сўзсиз жазолар тайин-
Дея юлдузлар уйга
Бир-бир кириб кетишди
Кўк саҳна бўшаб қолди
Гўё сув сепгандайин.
Жўнади машшоқлар ҳам
Йиғиб карнай-сурнайин.

СОҒИНЧ СОЯСИ

Бўй таратар нозбўйларнинг
кокиллари,
Иффорлардан
куннинг кўнгли тўладими?
Гул умрини тиккан фасл-
қиморларга
Сизни топдим
сизсиз яшаб бўладими?
Ёнаётган
умрларнинг лаҳжасига
Инжа юрак риштасидан
торлар қилай.
Ишқ олдида эгилмаган
бошлар учун
Сочларимни эшиб-эшиб
дорлар қилай.
Бунча ҳушёр, бунча қаттиқ
дошларингиз,
Фироқларнинг кечалари
дийдор талаб.
Эритаман
тўнғиб ётган дардларингиз,
Ғанимат шу лаҳзаларда
юрак қалаб.
Учажакман самоларга
қолади ишқ.
чархлар уриб
муҳаббатнинг қоясида.
Мен ғойибдан Сизни сўраб
тилаб олдим,
Қолиб кетмай
соғинчингиз соясида.

* * *

Мен билмайман
қандоқ севишни,
Юрагимга қўядурман ўт.
Тун чинқирар нолаларимдан
Соғинчларим-каллакланган тут.
Еллар сезар мажнунлигимни,
Ҳасратимдан тутилади кун.
Сир сочилар дил-сандиғимдан
Ёниб кетар алангамдан гул.
Сиз севсангиз
билиб севасиз,
Сездирмайсиз сирдош болишга.
Кифтингизнинг келбатларидан
Ёғилмайди бирор нолиш ҳам.
Ғамлар сизга жуда ўрганган,
Ишқнинг паймонаси тўлмайди.
Нотинч ҳасрат яшайди дим-дим,
Бағрингизда бардош гуллайди.
Пар кўрпага беркиниб олиб
Хато йиғлар ётоғингизда.
Шундай улкан севгини қандай,
Кўтарасиз қабоғингизда.

* * *

Ҳижрон даштларида
кетдим адашиб,
Тополмай тентийман
висолингга йўл.
Ишқпечон жонимга
ботар чирмашиб,
Менинг чанқоғимдан
қақраб кетар чўл.
Ёшимдан сув ичди
сабр ниҳоли,
Висолинг хумори
юракка таскин.
Бормикан саҳронинг
сарҳад поёни,
Саксовул шохига
дардларим осгум.
Тошга меҳрим бердим
кечмоқлик душвор.
Вазмин ғамлар билан
чўкдим фироққа.
Балки кутадирсан
мени шоҳсувор,
Айрилиқ иддати
битган қирғоқда.

БЕШАФҚАТЛИК

Майсаларга бош қўйгим келди,
Руҳим каби кўк майсаларга.
Ёвни кўрган ёғийдек улар,
Айландилар тиғ-найзаларга.
Бўронларга-да ёзгим келди,
Юрагимнинг чигалларини.
Қўлларида тош ётган экан,
Эзиб кетди жигарларимни.
Телабавор кўз тутдим тоғларга,
Кўзларида қотган ёш кўрдим.
Йиғладим ўз дардим унутиб,
Нигоҳларин бунда ғаш кўриб
Ҳар эшикка урдим бошимни,
Остоналар тўла тош эди.
Йиғлаб туриб едим ошимни,
Ҳар ён қаттиқ қора тош эди.
Улкан тошга айланди бошим,
Уравердим тошлар қонади,
Қонларимни ичган майсанинг,
Яшил юраклари ёнади.
Косаларим оқармас тонгдек,
Кўнгилларнинг синиқлигидан.
Тошларга бош қўйиб ухлайман,
Ерда бошқа жой йўқлигидан.

* * *

Қор ёғилар қабоғингиздан
Илинж йўлакларин босади.
Кипригим-ла курайман қорни
Эзилган шу ғамлар остида.
Юрагимга ёғаверар қор,
Кунлар совий бошлайди бирдан.
Эланади ғариб илтижо
Ўйин кетар чала тақдирдан.
Бағрингизда турланар дунё,
Сиз инонган туйғу тозами?
Ўтгай кунлар минг кайфу сафо
Менга қолган кунлар рўзали.
Қасосга қўл беради соғинч,
Сукутдаман оловлар фасли,
Эй юзимга сапчиётган қор
Билармисан кимлигим асли?

* * *

Шодликни ипидан ўраб бераман,
Чинорнинг умридан тилаб бераман,
Бахтнинг қўлларини сўраб бераман,
Сизга онажон.

Оқ ғамлар бошлардан нурин эласин,
Дардингиз меҳрибон қўллар силасин,
Момолар покиза руҳи қўлласин,
Сизни онажон.

Бағрингиз шафқату эҳсонга макон,
Армонларда яшар миттигина шон,
Осилиб турибди биттагина жон,
Сизда онажон.

Фироқдек чувалаган мунгли сўроқ бор,
Қишлоққа сиғмаган ўжар терак бор,
Ўзига ўт қўйган бир тошюрак бор,
Ловиллар ҳамон
Она, онажон.

СЕНДАН КЕТАМАН

Осмонда ой танҳо қолган бу кеча,
Туйғулар меҳридан тонган бу кеча,
Узалган оч қўллар толган бу кеча,
Сендан кетаман.

Тунларга тўкилган юлдуз бенишон,
Кўпирар азобнинг кўзларида қон,
Соғинчлар ўлдириб қўяди ишон,
Сендан кетаман.

Ишққа бошқоронғу ялпизлар сўлди,
Учаётган қушлар бағримда ўлди,
Мен сени безовта қилмасман энди,
Сендан кетаман.

Ўйнаб ўтаверар бепарво сур ел,
Мен қўйган тузоққа илинмади шер,
Юрак, пешонамиз бунча экан шўр,
Сендан кетаман.

Кўмирга айланиб қолди нигоҳлар,
Шохларда сарғаяр гўзал гуноҳлар,
Кўкларга чирмашиб кетаркан оҳлар,
Сендан кетаман.

Осмоннинг кўз ёши — турна тизилар,
Ойдин сукунатнинг кўнгли бузилар,
Менсиз кунларингга гуноҳ ёзилар,
Сендан кетаман.

* * *

Бу чарх мени ўйнаб отди
қаззобларга,
Дўст тутиндим болалаган
азобларга.
Атиргулим шабнамларда
титраб турар,
Ойдай умр дучор бўлди
ғазабларга.
Сочларим жон риштаси-ла
компон эди,
Киприкларим супургидир
хазонларга.
Вафосизга ҳайф дедим
меҳру ашким
телба кўнгил ризо бўлди
қазоларга.
Ҳижронларнинг мотамлари
бунча оғир,
Анор йиғлаб юрак ёрди
азонларга.
Мен бахт излаб кўкдан тушган
малоика
Лойиқманми банда берган
жазоларга.

* * *

Нигоҳингиз бошлаб борар
оташгоҳга
Бинафшалар қадрингизга
етадими,
Не излайсиз кечаларнинг
бузиб тинчин
Кўнглингиз биз томонларга
кетмадими?
Оловгулнинг армонлари
талош, беҳуд
Ҳаловатни тополмадим
тўзимлардан.
Димоғимга соғинчларнинг
иси келар,
Насаф ёқдан эсаётган
насимлардан.
Кузакларга тўкилади
абру найсон,
Сийратимиз яшар қора
ҳижобларда.
Берилгандир балки бизга
сўнгги имкон,
Ул ой кундуз кўкка чиқмас
хижолатдан.
Уваланиб кетар қумдек
дошларингиз
Қаршингизда айтиб турса
ишқ саловат.
Кетолмайсиз кўнгил
деворларин бузиб,
Дилда севги қалъалари
ростласа қад.

20_
Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK

* * *

Ёлғон мени бўздай тўқийди,
Ҳижронларда пишитади чарх.
Осилганча хору хасларга
Андуҳларга бўлаяпман ғарқ.
Ҳаёт — менга илингани ғам,
Ишқ — бу тишим ўтмаган сура.
Пешонамда не марду худо
Таваккал деб ташладим қуръа.
Қалбни тишлар оч қолган соғинч,
Дардларим кўнгилга сиғмайди.
Азобингга кўникдим нечун,
Юрагимда оққуш йиғлайди.

* * *

Мен ўйиндан чиқдим
Севмайман бас, бас
Бесабр соғинчнинг
ўтдим баҳридан.
Тунлар юз ўгирди
ўчди юлдузлар.
Жоҳил азобларнинг
қўрқиб қаҳридан.
Кетаман,
муҳташам кўнгил қасридан.
Қадрим йўқ,
ҳижронда қилдим хулоса.
Эланиб, ёлбориб
орага тушди,
Кўпни кўрган
қари муроса.

* * *

Шамол эшигимни таққилатиб,
Лақиллатиб қочиб кетарди.
Юраги тўлган ёмғир сирларин,
Деразамга сочиб кетарди.

Эшик тақилласа келарди меҳмон,
Чопиб чиқар эди шодлигим.
Сахий қалбни қилардим дастурхон,
Бу шарпа кўнглимга яқин тотлиди.

Бир тун бемаҳалда чертилди эшик,
Оҳиста чертилди, жуда оҳиста.
— Энди даданг йўқдир, деган шум хабар,
Оҳиста айтилди, жуда оҳиста.

Эшик тақиллайди, юрак ютаман,
Кетмас экан армон қордай босилиб.
Бевақт эшикларни чертаркан ажал,
Йиғлайман эшикларга осилиб.

* * *

Кўклам гулларини соғинса қайтар,
Қайтар ёстиғини қўмсаса тушлар.
Сени осмон қадар соғиндим бағрим,
Қайтсам осмонимда ўлади қушлар.
Турналар минг бора келиб кетади,
Қайтади томирда қизиган қонлар.
Ногирон кўзларга ёшлар қайтади,
Бизлар қайтолмасмиз йўллар тор жоним.
Печакдек чирмашар қайтмоқ илинжи,
Азиз неъматларни баҳридан ўтдим.
Бевақт соғинчларга қулоқ тутавериб,
Ўзим ҳам соғинчга айланиб кетдим.

* * *

Севинчдан ирғишлар майсалар,
Қалпоғин осмонга отади.
Ялпизнинг эрка қиз — ҳидини,
Танбал ел қучоқлаб ётади.
Пориллаб ёнади лолалар,
Шодликлар чакиллаб томийди.
Ям-яшил туйғулар бағрида
Лолага айлансам қанийди.

БАХМАЛ ДУГОНАМГА

Хаёл осмонида қуюқ туманлар,
Йўлчи тайёралар адашар бунда.
Қошлари қундузи, сочи суманбар,
Уни ҳеч ким сезмас ёп-ёруғ кунда.
Бағрига сиғмаган улкан азобнинг
Фарёди синдирар сукут кўзгусин.
Оғуга айланган аччиқ шаробнинг
Ичар-да ногаҳон келар ўлгуси.
Унинг манглайига қора ёзилган,
Қўл чўзса сув қурир ирмоқларида.
Кўкси илдиз отган ғам дарахтидир,
Дард томар чакиллаб бармоқларидан.
Уни овутолмас "Минг бир кеча"лар,
Баланд орзуларга етмагай қўли.
Аламзада дунё ундан ўч олар,
Наҳот ёруғликка туташмас йўли.
Тун-кун нола қилар етмас нидоси,
Сиғинар на одам, на бир худога.
Қарғар беҳиштдаги волидасини,
Ташлаб кеттани-чун бебурд дунёга.

* * *

Орамизда сирли кўприк бор,
Олиб борар қалбларга бу йўл.
Номозшомгул биздан хабар ол,
Юраккинам хижронларга кўн.
Гарчи бизнинг юк-дардлар оғир,
Лек кўтарар кўприк бузилмас.
Биз боғлаган ипсиз риштани,
Хоҳламасак ҳеч ким узолмас.
Бу йўлдан гоҳ кўтариб ғамни
Гоҳ шодликни тошиб ўтяпмиз.
Жуда-жуда чўзилди фироқ
Бу йўлдан бир хабар кутяпмиз.
Эркагина умидларимиз
Толиб борар мадори қолмай.
Эгилмоқда метин бу кўприк,
Соғинчларни кўтара олмай.
Орамизда сирли кўприк бор...

* * *

Кун ботма, ҳасратли кунгабоқарман,
Нигоҳимда қонар илтижоларим.
Сутдай кечалар ҳам бағрим қабарган,
Юзга солаверма ел хатоларим.

Тунларни ўзимдай ёмон кўраман,
Мени қароқчидай тунаб кетади.
Кун бўйи тиланиб топган шафқатим,
Шу бадбахт кечага қулаб кетади.

Шул қаро кечалар кўзим-ла ялдо,
Сокинлик ухлайди тунни ёпиниб.
Вайрон дилим бўзлар то тонга қадар,
Мен-да дарбадарман кун кел топиниб.

Мен тунни ўзимдан ёмон кўраман,
Ташвиш олиб келар мажруҳ боладай.
Бир ватан тополмай қасос оламан,
Бўғзимга тиқилиб қолган ноладан.

* * *

Хазон каби сочилган ўйим,
Қуйқум-қуйқум ғамларни элар.
Соқов ва гунг хаёлларимга
Тунд шубҳалар бостириб кирар.
Мен — йўлчиман ниятлари оқ,
Капалакдай ўйлари майин.
Қора калхат-қора хаёллар
Қайдан келар ўсар кун сайин.
У нимадир ридо ёпинган,
Чимматини юздан кўтаринг.
Қалбимдаги самум саболар,
Хаёллардан мени қутқаринг.
У — аждарга айланган санам
Қаҳ-қаҳ отиб кулаверади.
Севги туққан болам бу-гумон,
Тоқатимни тилаверади.

* * *

Сиз сабрни яхши кўрасиз,
Сабр сизга жуда боғланган.
Кўзларимда беором соғинч
Сиздан кетмоқликка шайланган.
Тоқат-тоғдек бепарво ҳилқат
Юлаверар куннинг патини.
О, бу умр чақиндай бир гап
Олиб кетар учқун оти-ла.
Дард сўлдирди юрак тугунча
Қаҳрабодек вақт ўтар тўлиб.
Биз манзилга етиб боргунча
Сабр қилиб турарми ўлим.

* * *

Бағримни эзади хижронлар юки
Дилгир юрагимда армонлар қўш-қўш.
Турналар бевақт ташлаб кетилган
Осмондай, бу кўнгил ҳувиллар бўм-бўш.
Уфқ — йиғилардан қизарган кўзим,
Хаёл — орзулардан тўқилган чилвир.
Қизарган кўз билан кўкка боқаман
Тўрт томоним қибла, ғам живир-живир.
Эгилиб букилар шамшоддек қаддим,
Кетганларга айтинг, ўзига қайтсин.
Муштдек юрагимда тоғдек ҳижрон бор,
Ҳижрон юрагида нима бор айтсин!

* * *

Фиғонлар кўкка етгайдур,
Хаёлдан ҳурлар ўтгайдур,
Ёлғизлик мени ютгайдур,
Саховатни соғиндим мен.
Кўзимдан қочди уйқулар,
Қошимга келди қўрқулар,
Тилимга қўнди туркулар,
Тиловатни соғиндим мен.
Карам этмас менга очун,
Топмадим борму бир лочин,
Кўнглим бўм-бўш, на олмас тин,
Муҳаббатни соғиндим мен.
Бу дунё кўрганим тушдур,
Дилимда ишқ ўжар қушдур,
Вафосизлар хайр-хушдур,
Самоватни соғиндим мен.

* * *

Қайларда юрибсан
меҳрибон оҳу,
Жоним, менинг каби
Бағринг ярами?
Тилсиз изтироблар
Тутмоқда оғу,
Йўлларда нигорон
Кўзлар қорайди.
"Мен дардлиман бу дунёда
Дардим айтар киши йўқ.
Мени дардим билганларни
Менинг билан иши йўқ."
Тополмай бўзлайман
Дардимга ошно,
Сенинг ташвишларинг
Мендан каммиди?
Бир тоза меҳрга
Қалб энди ташна,
Қай толе йўллади
Келдинг раҳмдил.
Қайларда юрибсан
Дардкашим оҳу?
Неча замонлардир
Сени кутяпман,
Ғариб хаёлларга
Ғарқ бўлдим ёҳу!
Минг йилки ҳижратда
Рўза тутаяпман.
Балки гулларимни
Суярсан қайта
Эртаклардан келдинг
Жуда кечикиб.
Яна эртакларга
Қайтмоқ бўлсанг гар,
Кўнгилчан парилар
Қолар ичикиб.

* * *

Боққа парда илар бахмал тун,
Тут пашшасин ўлтирар қўриб.
Ой дарахтга ёнбошлар секин,
Келинчак — оқ либосли ўрик.
Япроқлар-ла хушомад қилиб
Елпиб қўяр ойни шаббода.
Қайиқ гулкосада чумоли,
Қўнғиз сувга тушар шалоплаб.
Гул-чечакни бошидан сочиб
Чигирткалар завқдан чириллар.
Кўзларини каттакон очиб
Навбат тегмай бақа жириллар.
Ниначи — у шўх раққосани
Тили чиққан ғунча эрмаклар.
Борликдан маст, сархуш ой тонгда
Ётоғига кетар эмаклаб.

ИШОНМАЙ ҚЎЙДИМ

Лаблари қонаган армонни суйдим,
Тунларнинг порлаган кўзларин кўрдим,
Алдамчи дунёда ёлғондан тўйдим,
Мен шуҳрат-шонларга ишонмай қўйдим.

Ҳаёт қўлларини чўзар дарчадан,
Ғам менга ўзини урар парчалаб,
Томмаган меҳрга тутдим қанча лаб,
Мен меҳри борларга ишонмай қўйдим.

Шимол осмонимни этганида ғарқ,
Қуёшдай балқиса кўзларимда Шарқ,
Кетаман бахтни ҳам этганимча тарк,
Мен кўзи қонларга ишонмай қўйдим.

Девлар симиради салқин саҳарни,
Шаман дуолари қайтармас ёрни,
Руҳлар чириб борар сезмай баҳорни,
Мунаввар тонгларга ишонмай қўйдим.

Кўзи қумга тўлиб борар ҳаётнинг,
Сўзига ишониб ҳар етти ётнинг,
Оғзи куйиб қолди самимиятнинг,
Далли дунёларга ишонмай қўйдим.

Мен бир кишини ноҳақ
хафа қилганим учун маънавий
зарар тўладим.
Бир суҳбатдан

Берган қийноқларинг
ҳижронлар ҳаққи
Сени одил судга
бераман Севги.
Ғурбатда сарғайди
ойдай юзларим
Сочимнинг оқлари
ҳасратдан белги.
Тавон тўлайсанми
узун кечалар
Дўзахда қоврилиб
чеккан оҳимга.
Агар қарши бўлсанг
ёзгил ошкора
Эътирозномани
одил шоҳингга.
Энди ҳаққин тўла
азобларимнинг,
Қози-ҳакамлардан
сўрайман жазо.
Энди куйдираман
хону монингни,
Мендан шафқат тилаб
қилма илтижо.
Кўзимда бетоқат
ёнаётир ўч,
Борлиққа ўт қўйдинг
ловуллар юрак.
Кўрай шу оловда
ўзинг ҳам куйгин.
Тўлашга молинг ҳам
жонинг етмаса
Бир умр бағримга
қилсинлар сургун...

* * *

Мени ташлаб кетдингиз тунга
Ой туйнукка келди қувониб.
Эртагимга ёпишди соя,
Тундан, кундан юрар қизғониб.
Мендек меҳрга зор ҳулволар
Сув бўйида тентир тонггача.
Силаб-сийпаб дардим саболар
Юз, кўзимдан олади муча.
Бошим узра қўнган ҳумомас,
Ўлжа пойлаб учган бургутлар.
Шодлигимга соялар солиб
Сайр этишар саёқ булутлар.
Вужудимга чирмашар кеча,
Ул сарғайган сабрлар гуллар.
Бир кун сиздан интиқом олар
Сиз қадримга етмаган кунлар.

ҲАЛИ

Ҳали ичилмаган зилол булоқ бор,
Ҳали кўрилмаган тушлар ухлайди.
Ҳали кечилмаган йўллар ётар зор,
Тоғларда баҳайбат девлар йўқлайди.
Дайди умр узра сарғайган даштлар,
Чилласи чиқмаган шодликлар сачрар.
Чириган дарахтнинг ковакларида,
Ҳақиқат яшайди юрак ҳовучлаб.
Олам — ғам-ташвишлар ортилган кема,
Бахт бор изларингни тавоф этгали.
Яхши одамлар кўп қаттол дунёда
Улар сенга тўқнаш келмаган ҳали.

* * *

Менга нима бу ёруғ дунё,
Мен еттинчи фалакдан тушдим.
Ловуллайди ўтимдан гуллар,
Кўрилмаган бир ширин тушдай.

Менга нима бу ёруғ дунё,
Тоғлари паст, одамлари паст.
Бағри бутун ёғоч тобутлар,
Кўтараркан ўлимларни даст.

Мен еттинчи фалакдан тушдим,
Фонийдирман, менга йўқ ўлим.
Баҳорлардан жудо бўлгунча,
Ўла қолсайдим севгилим.

Кўзим кўрар, юрагим куяр,
Тошларнинг остида-ку қўлим.
Дардчил қалб, чўлтоқ қўл бергунча
Ўлим тила, эй ҳаёт ўлим.

* * *

Сени комрон,
бедил деб севдим,
Узоқ кетдим мен шу кетишда.
Хижратларда яшадим узоқ,
Теракзорлар тушди жунбушга.
Талпинарди япроқ қушларим,
Жаҳаннамдан изладим овунч
Тунга тинчлик бермади бир дам,
Кўзимдаги безовта соғинч.
Ишқ бош урди оёқларимга
Ғиркўкларда олиб кетар деб.
Сен фироққа итариб кетдинг,
Толдим аччиқ азобларни еб.
Мен кимлигинг билмасдан суйдим,
Еткур, дедим раббим фанога.
Кўздан оқди илтижоларим
Мени ташлаб кетма хаёлга.
Чопавердим ортингдан тинмай,
Қисмат дедим ғамга ботишни.
Одамлигинг билиб қолган дам
Билмай қолдим,
қайга қочишни.

* * *

Сен менга севаман деб айтдинг,
Найзалар санчилди, ҳей оғриди жоним.
Сенсиз бинафшадай сўламан деб айтдинг,
Алдаб юпатмоққа етмади мажолим.
Юрагинг ишқ туққан шу кеча қўйнида,
Эзилиб ёғади, ёмғирки сим-сим.
Ғам тўла кўзларда сузаркан томчилар,
Азобли лаҳзада ўргандим жим-жим.
Кўзларнинг жонсарак, ёлборар оҳудай,
Боролмам, кўшкингнинг ҳар бири тиллодан.
Эгнимда бахт тутган шоҳона либос йўқ,
Кунларим минг жулдур тўқилган хийлодан
Маст бўлай, паст бўлай, ёшингни ичиргил,
Бир куни тутар ҳам севгингни уволи.
Сўзларинг шу қадар оғирки, кечиргил,
Кўтара олмасман мен уни.

ИШҚ

Икки олам сиғар қанотим ёйсам,
Оҳим юракларни пора-поралар.
Исмимдан сарғаяр телбавор боғлар,
Еру кўкдан излар ҳур бечоралар.
Соямга сиғиниб уйғонар тонглар,
Нурдан тўралганман менинг соям йўқ.
Мени қучиб бўлмас узун қўл билан,
Қудратдан ралдим, танҳо доям йўқ.
Ёш тўкиб тиланиб юрган гадолар,
Булутлар бош қўяр парқуларимга.
Оби кавсар каби имонлари пок,
Набилар учади қутқуларимга.
Бир бор нигоҳимдан чақмоқдай чақиб,
Дарахтдай эгилар сервиқор тоғлар.
Оғулар ичади ширин азобли,
Ортидан эргашар ям-яшил боғлар.
Пойимда дарёдек оқар кўз ёшлар,
Сувлар тўпиғимга чиқмайди, Нуҳман.
Сенга дунё рангин кўрсатмоқ бўлиб,
Жисминг ёриб кирган безовта руҳман.

* * *

Тош бўлгин юрагим
тошлар ичинда
Суздик дарёдек кўз
ёшлар ичинда.
Сўқмоқ йўллар чорлар
Кетдик адашиб,
Ўрмондек туташган
қошлар ичинда.
Менинг тоқатимни
тошлар синайди,
Сабрларим тошар
ғашлар ичинда.
Дўстга беролмадим
меҳрдан бўлак
Ғанимга айландим
ташлар ичинда.
Шукр шу кунларга
Омон етди бош,
Деворга урилган
Бошлар ичинда.
Токай зиндонингда
Туткунман эрким
Дийдалари қаттиқ
Дошлар ичинда.

* * *

Мени чақирдилар мозий қаъридан,
Минг йиллик муқаддас исмимни айтиб.
Йиғладим дунёнинг тутиб баридан,
Марҳум туйғуларим келдилар қайтиб.
Менга овунчоқ деб тушни бердилар,
Тунларни ютади ямламай наҳанг.
Гунг тушлар бағрига сингиб кетганча
Чирмовиқ хаёлдан тўқийман оҳанг.
Тушларим қилади мени овунчоқ,
Гоҳ бошлаб кетади сўқмоқларига.
Гоҳ мағрур бошимни тутиб беради,
Пашмак чинорларнинг тўқмоқларига.
Армон ҳақда эски эртагин айтар,
Каптарга айланиб қолган парилар.
Кун сайин авжига чиқар тушларим,
Телба тушларимга дунё харидор.
Ёлғонлар кулбамда бўлади меҳмон,
Кетарда санчар сўз — найзаларини.
Бемор юрагимга соладилар йўл,
Қучаман хавотир майсаларимни.
Бир тонгда очилиб кетади кўзим,
Уйғондим тугайди. Бу дунё эртак.
Тола соч қолдириб кўкка учаман,
Тушларим соғинса этсин деб тутак.

* * *

Куз шовқини синдирар,
Сукунатнинг дарчасин.
Ҳаяжондан тинади,
Ям-яшилликлар саси.

Сокин-сокин терақзор,
Муштоқ қолар, зор қолар.
Хазон қўнган шохларда,
Ирғишлайди қарғалар.

Иссиқ - иссиқ ҳосилин,
Ғўзапоя сотади.
Сўнг қиш бўйи совқотиб,
Томда карахт ётади.

* * *

—Жоним,
менга жонингни бергил,
Бошинга бахт қўнар моҳтоб.—
Бир илондай авpайвердинг сен,
Ботиб кетди кўксимга азоб.
Ҳайратларим тушди ларзага,
Ахир мени жоним қирқтамас,
Сенга ёлғон айтган ялмоғиз
Жоним битта,
сўрамагин, бас.
—Жоним,
менга жонингни бергил,—
Янтоқзорда ўқийсан афсун.
Титрай бошлар қўрқувдан девлар,
Ечилади сеҳрли тутун.
Мен жонимни бердим суғуриб,
Телба дунё устумдан кулар.
Ғамни едим, афсусни чекдим,
Жон ўрнини босмади улар.
Сомон каби сарғайди тунлар
Сендан кетган жонини ўйлаб
Этагимга ёпишди ғусса,
Харидорим - ғам кўлим сўрар.
Судралади ерда руҳсиз тан,
Сезаман жон қийналар сабил.
Ҳасрат тинмай тўкаверар ёш,
Ўз жонимга ачиндим ахир.
Эй севдигим,
жонимни қайтар,
Жодуларинг панд берди чоғи.
Мен дўзахда қоврилиб бўлдим,
Бағрингни оч,
беҳиштнинг боғи.

* * *

Ёнмоқ истаб турган хазонга
Билиб билмай ташлаб ўтдим чўғ.
Ялдо туннинг кўнглини хушлаб
Мен қадрига етолганим йўқ.
Изларингни айладим тавоф,
Хизматингда елдим югурдим.
Тавонимга кирди тиконлар,
Қалбни яра қилиб улгурдим.
Туйғуларим белар тупроққа
Гоҳ ўлиб, гоҳ тирилаяпман,
Маъсум кўзларингга қарашга
Севги сендан уялаяпман.
Хатоларга тайрилиб кетдим,
Дардни севдим ўша кезимдан.
Севги сени бағрингга сиғмай
Кетиб қолаяпман ўзимдан.

* * *

Беҳишт иси келган бир тунга,
Қанот боғлаб кириб кетарман.
Ҳеч ким сезмай қолар бу кеча,
Тунда шамдек эриб кетарман.
Жонимда жон қолмади ёраб,
Шу кунларга етиб келгунча.
Сизни жондан суярдим гуллар,
Йиғланг кўзлар қонга тўлгунча.
Жисмим тупроқ бўлар ўлмасман,
Ҳурлар мени чорлар самода.
Суякларим чириган маҳал,
Руҳим учиб ўйнар ҳавода.
Бир кун қайтгум бир дарахт бўлиб,
Ё капалак, ё қуш бўларман.
Отаяжак ҳазин тонгларни,
Телбаларча яна суярман.
Гар бир соқов қуш бўлиб қайтсам,
Тошлар отиб қувманг одамлар.
Сиздек эдим ғариб бошимни,
Тошлар еган эди бир дамлар.

* * *

Бу ерлар тош, сингмас кўз ёши,
Қадринг билган дарахтлар йироқ.
Ёмғир—ёмғир сенга қўшилиб,
Йўқ қадримга йиғлайман бироқ.

Тинчлик бермас ўтган кун ёди,
Хотиралар яшар ўлмайди.
Зардобга айланган кунларни,
Тушун, йиғламаса бўлмайди.

* * *

Маюс тонглар чекади афсус
Хазонларда ёнар кузимиз.
Мен кетишим керак,
вақт бўлди,
Қўйвормайди нега кўзингиз.
Юзингизнинг оловларида
Исинмоққа келдим ғарибим.
Мен адашган шамолман
дайдиб,
То топгунча сизни ҳоридим.
Бино қўйдим бўйларингизга,
Найларимдан чиқди афғонлар.
Мен сабрга суянган кўрни
Ўз измига солди илонлар.
Тушунмади мени Ой, Юлдуз,
Кўкдан тушдим жуда кечикиб.
Жой бўлмаса дунёингизда
Қандоқ яшай сизга ичикиб.

* * *

Ғамдай тошиб келса бахт,
Кунлар ошиб келса бахт,
Сизни бошлаб келса бахт,
Мен бўлмасман ўша вақт.
Энг манглайи қора денг,
Дили эди яра денг,
Тупроққами раво денг.

СИҒМАЙДИ

Лола менинг аждодим гулбоғларга сиғмайди,
Булбуллар макон этган хуш чоғларга сиғмайди.

Мажнунтоллар май ичиб тўлғонади маст-аласт
Қизғонарми соҳиллар қирғоқларга сиғмайди.

Кўзларимнинг уфқида унар алвон лолалар,
У ишқ нима билмаган қабоқларга сиғмайди.

Бир куни қуёш ботиб улар оқмоқ истаса,
Бағри кенг дарё керак ирмоқларга сиғмайди.

Лолаларга айлангум менга гулу боғлар ҳайф,
Менинг дардим дол бўлган сўроқларга сиғмайди.

* * *

Вафосизга вофо қилдим,
Жонимга минг бир жафо қилдим,
Бошимни кундага қўйдим,
Юракни поралаб тилдим.
Кўзларим етди видога,
оҳларим етмас худога,
Айланиб кетдим нидога,
бу очундан нечун тўйдим.
Кўзимдан оқадур жола,
Аму, Сирлар қилар нола,
На ул ёр оқди дарёда,
на мен дарё мисол тиндим.
Қўлимдан қушларим учди,
бошимдан ҳушларим учди,
На қилсам мен ўзим қилдим,
муҳаббатни худо билдим.

* * *

Кўкка сиғдирмадилар уни,
Ерларда қул бўлиб яшади.
Руҳин синдирдилар у синди,
Судралади руҳсиз жасади.
Қарғиш теккан ёғочдай қоқ у,
Шохларида туйғу кўкармас.
Нигоҳида чўмилар қайғу,
Хазон теккан қўлларида хас.
Юрагини қитиқлар ҳасад,
Ўзини шод кўрсатмоқ учун
Кийиб юрар бу совуқ жасад,
Қизғалдоқнинг алвон кўйлагин.
Чўнтагида на севинч, на ғам,
Тегмайди ҳеч кимга зиёни.
Унга ер кўк бермайди ёрдам,
Яшайди ўзига суяниб.

* * *

Тўкилиб кетади юрагим.
Сачраган исмсиз туйғудан.
Бағримда мудраган ҳур қушлар,
Уйғониб кетади уйқудан.
Ўғирлаб кимнидир оромин,
Завқ олдим тинчини бузмоқдан.
Тунларим оқариб кетади,
Хаёлнинг расмини чизмоқдан.

САБРГА СУЯНИБ

Айрилиқ лашкари
Ёқадан тутиб
Бир ўксик кўнгилни
Этганда талош.
Жаҳаннам ўтида
Қовурса фироқ,
Сиз менга ачиниб
Тилайсиз бардош.
Узун кечаларда
Соғинч бўлар дор,
Минг азобга солар
Дилни телба ишқ.
Нечун оҳларимни
эшитмайсиз сиз,
Сабр деб қичқирар
Кеча ҳам сабил.
Фиғондан чирмашар
Кўкларга нидо —
Кўнгил-торларимни
Куйдирган оғу.
Еттинчи осмондан
Келар ҳайқириқ!
Севги деганлари
Шодликмас қайғу!
Оёқлар остида
Ёлборар япроқ,
Тўлиб тўкилади
Сабр косаси.
Кутмоқдан қорайиб
Кетар қароқлар,
Сиз дейсиз: ҳаётда
Сабр асосий.
Вақт эса қарамас
Ўнгу сўлига,
Хазонга айланар
Умрнинг боғи.

Ғанимат кунларни
Қўлдан бой берсак,
Йиллар кечирарми
Қолмасми доғи?
Мен сизга суянмоқ
Истовдим жуда,
Сабрдан яқинроқ
Эдингиз ахир.
Сиз-да учмоқликка
Топмайсиз журъат,
Висол деб талпинган
Кўнгиллар сағир.
Сабрга суяниб
Тилло топарсиз,
Балки гуллаб кетар
Орзу боғингиз.
Балки ёдингизга
Тушар борлигим,
Кўзларга югурар
Изтиробингиз...
Сизга тилаганча
Сабру қаноат
Зарга топилмас бу
Онни қучоқлаб,
Бир дунё топаман
Дунёлар ичра
ва кетган бўламан
Сиздан узоқлаб.

* * *

Севинчнинг йўли қисқа,
Севгининг қўли қисқа.
Тақдирман деган дунё
Турланади минг тусда.
Ишқ-дарёдир оқаман,
Кўнгил-ҳаёт боқаман.
Ҳижронли қора кунга
Юлдузларим ёқаман.
Қуёш бўзлаб ботадир,
Ким севмабди хатодир,
Бу юракни дўзахда
Аждаҳолар ютодир.
Қисқа йўллар узайсин,
Шубҳа, гумонлар тинсин,
Муҳаббат тиғи теккан
Қалблар муборак бўлсин!

ЮРАК

Минг ишвада келди
Қора кўзга сурма тортиб
Хушрўй кеча.
Шамол мастонавор тентир
Жамбулларни
Эҳтирос-ла қуча-қуча.
Байрамга чиққандай
Намозшом гуллари
Кулгусин йиғмайди.
Эшитилар яқиндан
Хўрсиниб-хўрсиниб
бир қушча йиғлайди.
Сиёҳранг шодликка
Заминнинг кўзлари
Қолади ўрганиб.
Ваҳм келар, келмас раҳм,
Чиройли йиғлаган,
Тузоққа илинган
қушчани кўргани.

* * *

Боғим,
Кўклам келганда
Гулга тўлди қучоғинг.
Шўх насимлар елганда
Япроқчалар учоғинг.
Борлиқ вақтингни хушлаб
Ўтдинг ёз, кузлар билан.
Бағрингдан учиб қушлар
Қолдингми гузар билан.
Бунча терга ботяпсан
Ўйлаб хижрон ғамини
Мен тўрт фасл тотаяпман
Айриликни таъмини.

* * *

Йиғлама, эй кўнгил йиғлама,
Тупроққа оқизма ёшингни.
Илинжнинг тонги бор нурафшон,
Елларга хам қилма бошингни.

Ёлғизсан катта бир шаҳарда,
Толесиз бошингга тош тегар.
Эй кўнгил йиғлама, бир куни,
Арслонлар пойингда бош эгар.

Оч кунлар иймонин еб қўйган,
Гулларнинг сен билан иши йўқ.
Кўнглингни ёзасан қушларга,
Дарбадар қушларнинг хуши йўқ.

Оҳ кўнглим йиғлама мен сени,
Кўмаман илинжга яшириб.
Оромбахш насимлар елганда,
Қўяман севгига топшириб.

* * *

Она мени шамолга ҳам
раво кўрмай боқдингиз,
Парча этни камолотга
олиб этдингиз омон.
Мен нотавон қизингиздан
нелар умид этдингиз,
Ёруғ кунни кўрсатар деб
кутдингизми онажон.
Ёруғ кунлар хаёлимдан
ўтиб турса ҳам ғиз-ғиз
Жуда-жуда ҳаяллладим,
мен босган йўл тун эди.
Ғам дарёси чуқур экан
сузиб кета билмадим,
Ишонганим йўл бошловчи–
сўқир эди, кўр эди.
Ортда ёруғ кунлар боқди
менга бўлиб интизор,
Юким зилдай оғир эди
қарай олмадим ортга.
Уфқимдаги тутам нурни
тўсди оппоқ туманлар,
Мен ёғдуга ташна эдим
қуёшим эрта ботди.
Ёруғ кунлар илинжида
яшаб қўйдим-ку узоқ,
Бу умримни ҳад-ҳудудсиз
хатоларга ботирдим.
Бўйнимдаги қарзим эди,
ёруғликни кўрсатмоқ
На бу кунни ўзим кўрдим,
на бировга орттирдим.
Отам эрта ўксиб кетди
ёруғ бўлсин гўрлари,
Юрагимни шу кунларда
она ваҳм босди-да.
Бахт – номаҳрам, ғам – йўлдошим
эшигимни қоқади,
Яшаяпман ёруғ ғам-ла,
кун кўрмоқлик қасдида.

* * *

Кўзларим — осмондир, бўлмаса
Ундан сел ёмғирлар ёғилармиди?
Кўзларим — осмондир, бўлмаса
Тафтидан тоза ишқ яралармиди?
Мовий кўкда ишқнинг оташи
Туйғуларим жиловсиз бебош.
Нега менга қаролмайсан тик
Яшамаса кўзимда қуёш?
Бўшлиқларда сузар ғам-булут
Пағасида кўриндинг беғам.
Учмоқ бўлган озод қушларинг
Таъқиб олма ебдилар билсам.
Самоларда энди ором йўқ
Сенсиз файзсиз ўтар кундузлар.
Кўкдан ерга тўкилиб кетар
Кўзларимда ёнган юлдузлар.
Юксакликка сенда журъат йўқ
Парвоз истаб потирлар қушлар.
Ё пойингга тушсинму осмон
Нега ўзни турибсан ушлаб?
Учгил, менинг осмонимга уч,
Кетсин қора булутлар тўзиб.
Ташрифингдан чарақлаб қуёш
Ёришсин тунд хаёлнинг юзи.

ТОҒДА

Бу ерда автонинг
Шовқинлари йўқ.
Кўринмас елвизак
Хилватгоҳларда
Мағрур дарахтларни
Қитиқлайди, шўх,
Сукунат кўрпасин
Ёзар тоғларда.
Бу тоғлар —
Эринчоқ танбал туялар.
Жаҳонгашта булут—
Сув тутар сарбон.
Бошида парвона
Фасл-бевалар,
Шунданми минг йиллар
Дам олар карвон.

МУНДАРИЖА

Манзара ... 3
«Кўзим қайнаётган минг кўзли булоқ» ... 4
«Бармоқ билан шеърлар ёзаман» ... 5
«Ёғдуларга қонмаган япроқ» ... 6
«Кўнгил томиб тугаган» ... 7
«Қуёш толиқиб кетиб» ... 8
Соғинч сояси ... 9
Мен билмайман» ... 10
«Ҳижрон даштларида» ... 11
Бешафқатлик ... 12
«Қор ёғилар» ... 13
«Шодликнинг ипидан ўраб бераман» ... 14
Сендан кетаман ... 15
«Бу чарх мени» ... 16
«Нигоҳингиз бошлаб борар» ... 17
«Ёлғон мени бўздай тўқийди» ... 18
«Мен ўйиндан чиқдим» ... 19
«Шамол эшигимни таққилатиб» ... 20
«Кўклам гулларини соғинса» ... 21
«Севинчдан ирғишлар майсалар» ... 22
Бахмал дугонамга ... 23
«Орамизда сирли кўприк бор» ... 24
«Кун ботма» ... 25
«Хазон каби сочилган уйим» ... 26
«Сиз сабрни яхши кўрасиз» ... 27
«Бағрим эзади» ... 28
«Фиғонлар кўкка етгайдир» ... 29
«Қайларда юрибсан» ... 30
«Боққа парда илар» ... 31
Ишонмай қўйдим ... 32
«Берган қийноқларинг» ... 33
«Мени ташлаб кетдингиз» ... 34
Ҳали ... 35
«Менга нима» ... 36
«Сени компон» ... 37
«Сен менга севаман деб айтдинг» ... 38
Ишқ ... 39
«Тош бўлгин юрагим» ... 40
«Мени чақирдилар» ... 41
«Куз шовқини синдирар» ... 42
«Жоним менга» ... 43
«Ёнмоқ истаб» ... 44
«Беҳишт иси» ... 45

«Бу ерлар» 46
«Маюс тонглар» 47
«Ғамдай тошиб келса бахт» 48
Сиғмайди 49
«Вафосизга вафо қилдим» 50
«Кўкка сиғдирмадилар» 51
«Тўкилиб кетади юрагим» 52
Сабрга суяниб 53
«Севинчнинг йўли қисқа» 55
Юрак 56
«Боғим» 57
«Йиғлама, эй кўнгил» 58
«Она мени шамолга ҳам» 59
«Кўзларим - осмондир» 60
Тоғда 61

Адабий - бадиий нашр
ЎКТАМОЙ ХОЛДОРОВА

ОҚҚУШ ИЗЛАРИ
шеърлар

Босишга 02.10.2005 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32.
Босма тобоғи 4,0. Шартли босма тобоғи 3,68.
Адади 1000 нусха. Буюртма № 210

«Адолат» нашриётида тайёрланди.
Тошкент, Асомиддин Муҳиддинов кўчаси, 26 уй.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди
700113.Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60